



ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ИМОМ САРАХСИЙ Муҳаммаднур Муродхонов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаси

Тел: +998 77 0703177

Электрон почта: murodkhonovmukhammadnur@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8313605>

ARTICLE INFO

Received: 22th August 2023

Accepted: 29th August 2023

Online: 31th August 2023

KEY WORDS

Ислом, халқаро ҳуқуқ, ислом ҳуқуқи, “Китобул-мабсут” (Муфассал китоб), усул-фиқҳ, манбалар, фақиҳ, таълимот, мужтаҳид, “Шарҳ ас-Сияр ал-Кабир”.

ABSTRACT

Сарахсий асарларида норма ижодкорлиги, ҳуқуқни тушуниш методологияси, ҳуқуқнинг илмий назарий ва амалий масалалари батафсил ёритилган. Шу билан биргаликда унинг асарларида ҳуқуқнинг асосий тушунчалари ва тамойиллари, деярли барча соҳалари ва мавзулари, категориялари ва институтлари ўз аксини топган.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон “Мусулмон дунёсининг Гуго Гроцийси” деб ном олган забардаст олим Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий асарлари туфайли халқаро ҳуқуқ туғилган ватандир. Сарахсий араб олими Муҳаммад Шайбоннинг “Халқаро ҳуқуқ китоби”га шарҳлар ёзиш асносида биринчи бўлиб “сияр” – “халқаро ҳуқуқ”ни ҳуқуқнинг алоҳида ва мустақил соҳаси сифатида таърифлаган.

КИРИШ

Охирги йилларда жаҳонда, шу жумладан юртимизда олиб борилган халқаро ҳуқуқ тарихига оид изланишлар бизни бу соҳани чуқурроқ ўрганишимизга туртки бўлди. Халқаро ҳуқуқнинг тадрижий ривожланишини ўрганар эканмиз, аввало халқаро ҳуқуқ тушунчасининг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олишимизга тўғри келади. Чунончи, халқаро ҳуқуқ – давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларининг хоҳиш-иродасини мувофиқлаштириш йўли билан вужудга келадиган, улар ўртасидаги турли муносабатларни тартибга соладиган халқаро ҳуқуқ нормалари, халқаро шартномалар ва умум тан олинган принциплар йиғиндиси дир [1:7]. Халқаро ҳуқуқ фани халқаро ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий низомлар асносида шаклланган фан соҳасидир. Мазкур фан халқаро ҳуқуқнинг асосий мазмун-моҳияти, тамойиллари, ривожланиш босқичларини ўзида акс эттиради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ғарбда XVI-XVII асрларда халқаро ҳуқуқнинг шаклланиш давридан XVIII асргача бўлган давр “Халқаро ҳуқуқнинг эпик даври” деб аталиб, ушбу соҳанинг машҳур олимлари етишиб чиққанлиги баён қилинади [2:21-24]. Бундай олимлар орасида Гуго



Гроций, Франсиско де Витория, Алберико Жентили, Пьер Бейл ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин.

Табиий ҳуқуқ назариячиларидан бири бўлган нидерландиялик ҳуқуқшунос ва дипломат Гуго Гроций (Гуго Гротиус, 1583-1645) кўплаб адабиётларда “Халқаро ҳуқуқнинг отаси” деб аталади [3]. У ўзининг шоҳ асари бўлмиш “Уруш ва тинчлик қонуни” (De Jure Belli ac Pacis) китобини 1625 йилда нашр этган. Гуго Гротиус бутун Европани қамраб олган шиддатли 30 йиллик урушда бевосита қатнашади. Ушбу китоб халқаро ҳуқуқ мавжудлигининг асоси сифатида табиий ҳуқуқ назариясини кўрсатади [4]. Гроцийдан аввалроқ испаниялик илоҳиётчи Франсиско де Витория (Vitoria, 1483-1546) ҳамда Суарес (Suarez, 1548-1617) каби олимларнинг асарларида халқаро ҳуқуқ соҳасининг тамал тошлари қўйилган дейишимиз мумкин.

У давлатлар ўртасидаги халқаро шартномалар ва давлатларнинг одатларини юқори ўринга қўядиган позитив ҳуқуқга асосланган халқаро ҳуқуқ фанининг асосчиларидан ҳисобланади. Эслатиб ўтиш жоизки, унинг асарларида “халқлар ҳуқуқи” лотинча, “jus gentium” (gens, gentis, “миллат”, “халқ” деган маънони билдиради) яқка тартибда олинган бошқа халқлар вакилларига, шу жумладан душманларга бериладиган минимал ҳуқуқларни (кейинчалик инсон ҳуқуқларга айланган) билдиради ёки умумий тартибда олинган хорижий халқлар ҳуқуқини англатади [2:23].

Эътибор беришимиз лозим бўлган асосий фикр шундан иборатки, халқаро ҳуқуқга асосланган илк фундаментал ва мукамал асар Ғарб оламида эмас, балки бизнинг диёримизда, ҳозирги Ўзбекистоннинг шимоли-шарқида жойлашган Фарғона водийсида ёзилган.

Мазкур халқаро ҳуқуқга оид илмий қўлёзманинг тарихи Ғарб тарихидаги “халқаро ҳуқуқ отаси” Гуго Гроций томонидан ёзилган асарлардан беш аср илгари ҳамюртимиз Муҳаммад Абу Бакр Сарахсий ал-Ҳанафий томонидан битилган. Бунда ҳуқуқнинг барча соҳаларига тегишли жуда кўп масалалар, айниқса, тинчлик шартномаларини тузишдаги меъёрлар, инсон ҳуқуқлари, халқаро этика ва эстетика, халқаро ҳуқуқнинг тамойилларига асосланган таълимотлар Сарахсийнинг “Шарҳ ас-Сияр ал-Кабир” китобида таснифлаш орқали муфассал ёритиб берилганини кўрамиз. Бу ҳақиқат ўз навбатида турли асарларда ҳамда кўплаб олимлар, сиёсатчилар томонидан эътироф этилган. Хусусан, 1975 йил 14 декабрда Қоҳира университетиде сўзлаган нутқида Франция Президенти Валери Жескар Д’Эстен: “Ҳуқуқ таълими соҳасида, унутмаслик лозимки, Миср ҳуқуқи ва қонунчилиги Франция аъналарига таянса ҳам, бироқ IX-XIV асрларда ислом биринчи бўлиб халқаро ҳуқуқ фанига асос солиш йўлида илк қадамларни қўйган эдики, буни бутун дунё тан олади”, деган эди.

Ҳанафий мазҳабининг буюк фақиҳларидан бири “Шамс ул-Аимма” (“имомлар қуёши”) Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аби Саҳл Сарахсий Мовароуннаҳрда (тахминан милодий 1010 йили/ҳижрий 400 йилда туғилиб, 1096 йил/ҳижрий 490 йилда вафот этган) [5:18]. Бу вақтда Мовароуннаҳрда (ما وراء انهر) Қорахонийлар сулоласи (927-1212) ҳукмронлик қиларди. Муҳаммад болалигидан илмга чанқоқ ва ўткир зеҳнли бўлган. Сарахсда бошланғич диний таълимни чиқариб, Қуръони каримни тўлиқ ёд олган, ҳадис, сарф, наҳв (граматика), балоғат илмларини эгаллаган.



Кейинчалик у Мовароуннахрнинг турли шаҳарларида, жумладан, Самарқанд ва Бухорода илмини такомиллаштирган.

Буюк ватандошимиз Муҳаммад Абу Бакр Сарахсий ал-Ҳанафийнинг халқаро ҳуқуққа оид мумтоз асари **“Шарҳ ас-Сияр ал-Кабир”** фундаментал, ислом ва халқаро ҳуқуқнинг таянч қўлланмасидир. Ушбу асар “Халқаро ҳуқуққа оид шарҳлар” асари бўлиб, ислом ҳуқуқи соҳасида ҳам назарий, ҳам амалиётчи олим сифатида танилган Муҳаммад Шайбоний (750-805)нинг асари асосида “шарҳ” орқали таснифланган ислом ва халқаро ҳуқуққа бағишланган биринчи қомусий асар сифатида эътироф этилган. Сарахсийнинг ислом халқаро ҳуқуқига қўшган ҳиссаси улкандир. Бу соҳадаги бетакрор хизмати учун улуғ мутафаккирга “Ислом дунёсининг Гуго Гроцийси” деб лақаб беришган. Сарахсийнинг ушбу “шарҳ”ида тинчлик сулҳи шартномларининг узоғи билан 10 йил муддатга тузиш лозимлиги эслатилади [5:167]. Бунда тинчлик сулҳ шартномалари муайян мақсадлар асосида тузилади. Ушбу асар жами 5 жилддан иборат бўлиб, ислом ҳуқуқи тарихидаги сияр (халқаро ҳуқуқ)га бағишланган биринчи доктринал асардир. Асарнинг ҳар бир жилди алоҳида мавзулаштирилган бўлиб, асосан мудофаа сулҳи, тинчликни қарор топтириш каби мавзуларни қамраб олади. Мазкур асарни аллома Ўзганд шаҳрида зиндонда ёзишни бошлаган ва уни Фарғонада тамомлаган.

Айни шу даврларда ислом давлатларининг алоқалари кучайиб борган ва дипломатик алоқалар учун халқаро ҳуқуқ меъёрларининг зарурати юқори ҳисобланган. Ташқи сиёсат ва халқаро алоқалар воситаси сифатида дипломатик алоқалар ислом давлатчилигида муҳим аҳамият касб этган. Шу боис, ислом ҳуқуқи тамойилларига мос равишда дипломатик ва консуллик ҳуқуқи ҳам ривожланиб борган. Уммавийлар ва Аббосийлар даврига келиб, Араб халифалиги билан Ғарб ва Шарқ давлатларида ўзаро алоқалар янада кучайган. Хусусан, Уммавийлар билан уларнинг жойлардаги ноиблари ўртасида ҳижрий 59-132 йиллар оралиғида 62 марта элчилик сафарлари ташкил этилган, 59 марта ўзаро мактублар алмашинуви амалага оширилган. Бу эса ўз ўрнида Ислом ва халқаро ҳуқуқнинг ўша даврда шаклланиши ва уни ҳамюртимиз томонидан таснифлаш орқали тизимли асосда илмий таҳлил қилингани мутлақ тан олишимиз зарур.

Шу ўринда халқаро ҳуқуқнинг турли масалалари юзасидан Сарахсий ва ғарб мумтоз олими Гуго Гроцийнинг қарашларини таққослаб ўтишимиз фойдадан холи эмас. Уруш ва тинчлик масаласида Гроцийнинг фикрича, фақат адолатли урушларга рухсат берилиши керак. Гуго Гроций уруш муаммоларни ҳал қилиш воситаси сифатида қабул қилиниши лозим деган фикрни илгари суради. Бунинг асоси сифатида халқлар ўртасидаги низони қонуний ҳал қилиш учун судларнинг йўқлигини даъво қилиб, бошқа томондан, уруш сабаблари фақат судга тортилиши мумкин бўлган сабаблар билан чекланиши кераклиги ҳақидаги фикрларини баён этади. Масалан, у мулкни ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш урушнинг сабаби ҳисобланишини таъкидлайди, шунингдек, жиноят ва жазо назариясини ишлаб чиқди [10]. Лекин, бундан беш аср илгари Абу Бакр Сарахсийнинг нодир асари “Шарҳ ас-Сияр ал-Кабир”нинг 1-жилди уруш ҳуқуқига бағишланган бўлиб, унда урушга тайёргарлик, уруш ҳаракатлари ва қурол қўллаш қонунийлиги ҳақида сўз юритилади. Унда отларни урушга тайёрлашдан



тортиб жангда қўлланиладиган қурол-аслаҳаларгача бўлган саволлар муҳокама этилади ҳамда урушнинг натижаси ислом дини мақсадларига мувофиқ бўлиши лозимлиги таъкидланади [5:263]. Урушнинг фақат одилона олиб борилиши, тинч аҳолига озор етказмаслиги, инсон ҳуқуқларининг устунлиги ҳақида фикрлар асардан жой олган. Шунингдек, китобнинг 2-жилдида урушда қўлга киритилган ўлжалар хусусида ҳам сўз юритилади. Асар таҳлилидан келиб чиқиб, Абу Бакр ас-Сарахсийни том маънода фундаментал ва мукамал асар муаллифи дея таърифлашимиз мумкин.

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий ал-Ҳанафий – усулчи фақиҳ, мужтаҳид, мутакаллим ва мунозир бўлган [13:202]. Манбаларда унинг яна қуйидаги асарлари қайд этилади: “Усулул-фиқҳ” (Фиқҳ назарияси), “Ашрот ус-соа” (Қиёмат шартлари), “Шарҳ Адабул-қозий лил Хассоф” (Хассофнинг “Қозилик адаби”га шарҳ), 15 жилдли “Наҳв илми ҳақида кенг қамровли китоб” [14:117], “Шарҳ ал-Жомеъ ал-кабир” (“Катта мажмуа”га шарҳ), “Шарҳ ал-Жомеъ ас-сағир” (“Кичик мажмуа”га шарҳ), “Ал-фавоидул-фиқҳийя” (Фиқҳга доир фойдалар), “Шарҳ Мухтасар ат-Таҳовий” (Таҳовийнинг “Мухтасар”ига шарҳ) каби нодир китобларни кўришимиз мумкин [6:29].

ХУЛОСА

Имом Сарахсий ҳанафийларнинг тез-тез иқтибос келтириладиган фақиҳларидан биридир. Бетакрор илм соҳиби, ҳамюртимиз Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Кифоя” асарида Ҳанафий мазҳаби ҳуқуқшуносларини табақаларини санаб ўтган [15:54-55]. “Фақиҳ” номини олганларнинг даражалари бир хил эмас, балки уларнинг даражалари етти турга бўлинган. Биринчи табақага шарият миқёсида ижтиҳод қилган улкан имомлар, бунда тўрт мазҳаббоши бўлган имомларимиз киради. Ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа *мутлақ мужтаҳид* сифатида танилган биринчи тоифага кирадилар. Абу Ҳанифанинг шогирдлари Абу Юсуф, Муҳаммад Шайбоний ва Абу Ҳанифанинг бошқа шогирдлари иккинчи тоифага киритилган бўлиб, улар *Ҳанафий мазҳаби ичида мужтаҳид* сифатида танилганлар. Улар асосий қоидаларга дахл қилмаган ҳолда баъзи фаръий ҳукмларда устозларига хилоф қилишлари мумкин. Учинчи табақа мазҳаббоши имомдан ривоят қилинмаган масалаларда ижтиҳод қиладиган фақиҳлар табақаси бўлиб, Хассаф, Таҳовий, Хулвоний, Баздавий, Шамсул Аимма ас-Сарахсий ва бошқалар ўз шайхлари ишлаб чиққан қоидалар асосида мазкур шайхлардан бирорта ривоят қолмаган масалаларда ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга *мужтаҳид* ҳисобланади. Демак, бундан билишимиз мумкинки, имом Сарахсий ҳанафий мазҳаби олимлари ичида юксак ўринга эга бўлиб, учинчи тоифага кирувчи мужтаҳид ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, буюк аждодимизнинг илмий меросларини оммалаштиришга бўлган зарурат сезилмоқда ва бунда биз ёшлар чуқур илмий изланишлар олиб боришимиз, ноёб асарларни илмий муомалага киритишимиз ва бу орқали Ислом илми ва маданиятини жаҳонга танитишимиз зарур бўлади. Айниқса, бизнинг ўлкамиз илм ўчоғи эканлиги, ҳар давр учун энг забардаст алломаларимизга эга эканлигимиз ўз ўрнида ҳам шараф, ҳам масъулиятдир. Барчамизга маълумки, кўплаб соҳаларнинг етакчилари бизнинг диёримиздандир. Ҳозирги шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда биз асл ҳуқуқ соҳасининг етакчиси имом



Сарахсий ҳаёти ва биз авлодларга қолдирган буюк меъросини чуқурроқ ўрганишимиз зарур бўлиб, халқаро майдонда юртимиз номини янда улуғлашимиз лозим.

Шу ўринда айрим Ғарб тадқиқотчилари томонидан бир ёқлама тадқиқотлар билан чегараланиш илмий холисликни амалга оширишда тўсқинлик қилмоқда. Халқаро ҳуқуқ соҳасида Ғарб олимларининг асарлари эътироф этилса-да, ушбу олимлардан бир неча асрлар аввал яшаб ўтган юртимиз алломалари томонидан ҳуқуқ йўналишида битилган асарларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади. Фикримиз исботи сифатида Имом Сарахсийнинг биз юқорида ёритиб ўтган асарларини келтиришимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, Шарқ алломаларининг халқаро ҳуқуқ соҳасидаги изланишлари, асарлари ва бизга қолдирган илмий меърослари беқиёс эканлигидан далолат беради. Ислом ва халқаро ҳуқуқда ҳам бизнинг алломаларимиз дунё миқёсида етакчилик қилишган, уларнинг илмий кашфиётлари ҳали ҳамон дунё ҳамжамиятини лол қолдириб келмоқда.

References:

1. Yuldasheva G. Xalqaro huquq. Darslik /Mualliflar jamoasi. – T.: TDYU nashriyoti, 2018.
2. Vizual Xalqaro huquq. D.Sh Umarxonova., A.I Umriddionov., A.M Hakimov., H.M Radjapov tarjimasii. – T.: Yuridik adabiyotlar publish, 2021.
3. Ochilov B.E., Odilqoriyev X.T. Xalqaro ommaviy huquq. Toshkent davlat yuridik universiteti. – T.: Adolat, 2007. – B. 27; Vizual Xalqaro huquq. D.Sh Umarxonova., A.I Umriddionov., A.M Hakimov., H.M Radjapov tarjimasii. – T.: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – B. 22.; Lukashuk I.I., Saidov A.X. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari: darslik. – T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2007. – B. 27-29; Nguyen Quoc Dinh. Droit International public. Patrick Daillier et Alain Pellet. 5-edition. – Paris, L.G.D.J., 1994. 25§. Grotius, pere du droit international. – P. 33-53; Scatt J. The Spanish Origin of International Law. - N.Y.,1928. – P. 6; Гроций Г. О праве войны и мира. Три книги. – М., 1956. – С. 44.
4. Scatt J. The Spanish Origin of International Law. – N.Y.: 1928; Гроций Г. О праве войны и мира. Три книги. – М.: 1956; Камаровский Л.А. Основные вопросы науки международного права. – М.: 1895.
5. Юнусов Ҳ. Ислом ва халқаро ҳуқуқ. Ислом халқаро ҳуқуқ таълимоти: Сарахсийнинг халқаро-ҳуқуқий қарашлари. Монография. – Т.: “Лексон пресс”, 2022.
6. Saidakbar A‘zamxo‘jayev, Murod Zikrullayev, Shog‘iyos Shojalilov, Doniyor Mo‘minov, Saidafzal Saidjalilov. **“100 Markaziy Osiyo mutafakkirlari”**. Toshkent Islom universiteti; T.: “Yangi nashr”, 2011.
7. Norman Calder. “as-Sarakhsi”, Muhammad b. Ahmad b. Abu Sahl Abu Bakr, Shams al-A‘imma. Encyclopedia of Islam (Leiden: Brill, 1997 Second Edition) // Zahid Jalay article of “Imam Sarakhsi” // www.academia.edu
8. Abd al-Hai al-Laknavi, al-Fawa'id al-Bahiyah fi Tarajim al-Hanafiyah (Quetta: Maktaba Omariyah).
9. Rafiq al-Ajam. “Biography of Imam Sarakhsi”, “Usul al-Sarakhsi” (Karachi: Qadimi Kutub Khana).
10. Pleadere. Article of “Father of international law”, July 3, 2022.



11. Сарахсий Муҳаммад ибн Аҳмад. “Мабсут” Биринчи жуз. – Байрут, “Дор ал-ма‘рифа”, 1989.
12. Introduction of Abu al-Wafa al-Afghani on Usul al-Sarakhsi (Beirut: Dar al-Kutub al-lilyah, 1993).
13. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. “Ўрта Осиё олимлари қомуси”. Имом Бухорий илмий-маърифий маркази, 2007.
14. У.Уватов. “Ренессанс олимлари қомуси”. – Т.: “Ўзбекистон халқаро Ислом Академияси”, 2021.
15. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Кифоя”/1-жуз. – Т.: “Ҳилол-Нашр”, 2021.